ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ФАЗОВИЙ ТАСАВВУРЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ЎҚУВ ФАНЛАРИНИНГ ЎЗАРО УЙҒУНЛИГИ

Ж.А.ИСАКОВ, Х.Б.ИСМОНОВ

В статье обоснована важность базовых знаний по пластической анатомии при обучении рисованию человека с натуры, что является одной из актуальных проблем преподавания изобразительного искусства в профессиональных колледжах.

In this article was substantiated the importance of base knowledge on plastic anatomy by teaching to drawing of the human nature, that is one of urgent problems of teaching of fine arts in professional colleges.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Ҳозирги кунда миллий маънавиятимиз ривожини тасвирий санъат намуналарисиз тасаввур этиб бўлмайди” [1.197]. Шу маънода узоқ тарихга, ривожланишнинг замонавий тенденцияларига эга тасвирий санъатни умумий ўрта таълим босқичида ўқитишга алоҳида эътибор билан қарашни тақозо этади.

Тасвирий санъатнинг йирик жанрларидан бири – портретнависликни пластик анатомияга оид билимларсиз тасаввур қилиш қийин. Қаламтасвир, рангтасвир, графика ва ҳайкалтарошлик каби санъат турларидан бирида инсон ёки ҳайвонлар тасвирини яратар экан, ҳақиқий рассом уни жонли тарзда шакллантириш учун пластик анатомияга оид билимлардан мукаммал даражада хабардор бўлиши лозим. Рассом одам қиёфасини тасвирлар экан, унинг тузилишини, пластик анатомиясини яхши билмоғи керак. Қадимги машҳур рассомлар одам суратини чизишда ундаги суяклар, пайлар, мускуллар ва терисига қаттиқ эътибор бериш лозимлигини уқдирганлар.

Тегишли илмий адабиётларда одамнинг анатомик тузилиши: суяклар, бўғимлар, бойламлар, мускуллар ва ички аъзолар тўғрисидаги маълумотлар тўла ёритилган. Лекин инсон танасининг хилма-хил ҳаракатлари жараёнида (ўтирганда, турганда, югурганда) скелет мускул қисмларининг фазода ўзаро қандай муносабатда бўлиши, умумлашган мускул массивларининг ҳосил бўлиши натижасида улар шаклининг ўзгариши пластик анатомияни чуқур ўрганишга ундайди. Демак, бўлажак рассом-педагог пластик анатомия фани бўйича одам танасининг статик ҳолатидаги аъзолар тузилиши ҳақидаги маълумотлардангина хабардорлик билан чегараланмасдан, балки уларнинг динамикасига оид билмларни ҳам ўрганган бўлишлари шарт.

Пластик анатомияга оид билимлар, айниқса, инсон портретини яратишда жуда муҳимдир. Калла суягининг тузилиши, шакли ва ундаги мускуллар: мимика мускуллари гуруҳи ҳамда юз қисмидаги аъзолар (кўз, бурун, қулоқ, оғиз) тузилишининг ўзига хослиги инсон қиёфасининг психологик портретини шакллантиришда алоҳида ўрин тутади.

Инсон қомати расмини қаламтасвир, рангтасвир фанларида талаба пластик анатомиядан олган билимларига таянган ҳолда яратади. Бу жараёнда у модель асосида шунчаки бир нусха ҳосил қилмасдан, балки тасвирни жонли, жозибали қилиб яратиши лозим. Бунинг учун у тананинг ташқи ва ички тузилишини, ҳаракатланиш механизмларини, улар воситасида инсоннинг ички руҳий оламида намоён бўладиган ҳолатларни аниқ тасаввур қилиши керак. Шундагина рассом натуранинг кўр-кўрона йўл билан ҳосил қилинган нусхасини эмас, балки ҳақиқий ижодий асар яратишга эришади.

Бизга қадар анатомия билан жуда кўп рассом-педагоглар шуғулланиб келишган. Жумладан, анатомияни мурдалар устида илк бор актив ўрганган рассом ва ҳайкалтарош италиялик Антонио Полялодир. Андреа Веррокио, Микеланжело Буонарроти, Санти Рафаел, Тициан, Андреа Везалий ва бошқа кўплаб рассомлар ҳам анатомияни мукаммал ўрганиб, ўзларидан кўплаб анатомик расмлар қолдирганлар. Айниқса, Леонардо да Винчи нафақат одам анатомияси, балки ҳайвон ва паррандалар анатомиясини ҳам Ўрганган ва 70 дан ортиқ анатомик расм ишлаган. У тананинг ҳар бир қисмини турли ҳолатларда жуда жозибали қилиб тасвирлаган.

Ўзбек рассомларидан А.Абдуллаев, Л.Абдуллаев, Р.Аҳмедов, Ч.Ахмаров, М.Набиев ва бошқа кўплаб рассом-педагоглар ўзларининг ўлмас портрет асарларини яратишда жуда чуқур ана-

томик билимларларга эга бўлганликларини намойиш этишган. Уларнинг ижодий фаолиятлари бугунги кунда етишиб чиқаётган бЎлажак рассомпедагоглар учун зўр бир ибратдир.

Афсуски, ҳозирда айрим педагогика олий ўқув юртларининг бадиий графика факультетларида талабаларга инсон портретини яратишни ўргатишда пластик анатомияга оид билимларга етарлича эътибор берилмаётгани сир эмас. Бундай ҳол бўлажак рассом-педагогларда портрет яратишга оид билимларнинг сезиларли даражада саёзлашишига сабаб бўлмоқда.

Шу ерда “Пластик анатомия” фанини қайси касб эгаси ўқитиши маъқулроқ: пластик анатомияни яхши билувчи рассомми, ёки тасвирий санъатни яхши тушунувчи анатомия мутахассисими? – деган савол пайдо бўлади.

Яқин ўтмишга назар ташлаймиз. Хусусан, бундан бир қанча йиллар аввал бўлажак рассом-педагогларга пластик анатомия фанини анатомия кафедраларининг ўқитувчилари ўқитишарди. Улар ихтиёрида инсон аъзоларининг, шу жумладан, инсон скелети ва ундаги қисмларнинг экспонатлари етарлича бўларди. Бу ҳол пластик анатомияга оид дарсларнинг жуда жонли бўлиб ўтишини таъминларди. Бундай дарсларнинг битта камчилиги – талабалар пластик анатомия бўйича шу дарсларда олган ўз билимларини портретнависликда қўллашга қийналардилар. Бунинг сабабини ўқитувчининг рассом эмаслигида деб билишарди.

Кейинги йилларда пластик анатомия фанини бўлажак рассом-педагогларга тасвирий санъат кафедраларининг ўқитувчилари ўқита бошлашди. Бу ерда яна бир камчиликнинг мавжудлиги аён бўлиб қолди: тасвирий санъат кафедралари лабораторияларида (натуралар омборида) инсоннинг скелети ва унинг бош, қўл, оёқ каби кўплаб қисмлари етишмас экан. Шу туфайли талабалар пластик анатомия бўйича амалий машўулотларда натура сифатида бош, елка камари, қўл суяклари, кўкрак қафаси скелетлари, гавда суяклари ва ҳоказолар ўрнига фақат гипс моделлар (кўз, бурун, қулоқ, лаб ва шу к.) дан фойдаланишади.

Тўғри, гипс моделлар ҳам портрет чизишни ўрганувчилар учун бирмунча ёрдам беради, лекин улар асосида яратилган инсон портрети, юқорида айтиб ўтганимиздагидек, жонли бўлиб чиқмайди. Улар асосида инсон характеридаги хусусиятларни ва ички дунёсини аниқ ифодалаб бўлмайди. Шу нуқтаи назардан тасвирий санъат кафедраларининг лабораториялари ўз жиҳозларини инсон, имконияти бўлса, ҳар хил ҳайвонлар ва паррандаларнинг скелетлари билан бойитиб олишлари мақсадга мувофиқдир Пластик анатомия дарсларида инсон, ҳайвон ва қушларнинг таянч ҳаракат аъзолари ҳамда мускулларининг тузилишларини ўргатиш билан биргаликда назарий ҳамда амалий малакаларни ўзида мужассам этади. Шунингдек, ижодий иш бошлашдан олдин обдон кузатув, яъни пластик анатомиясини кўз ўнгимиздан ўтказишимиз лозим, акс ҳолда кўзланган аниқ мақсадга эришиша олмаймиз. Биринчи навбатда қоўозга тўғри жойлаштиришни (компоновка) топиб олсак ва ўлчамларини ўз ўрнига қўйганимиздагина ишлаётган чизма тасвиримиз анча осон кечади.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч.—Т: “Маънавият”, 2008
2. Богоявленская Д.Б. Интеллектуальная активность как проблема творчества.- Ростов-на-Дону, 1992
3. Ильин Е.Н. Искусство общения. – М., 1988

Тошкент давлат педагогика университети,
Андижон давлат университети,
2012 йил 5 октябрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Т.Х.Ҳасанов)